БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 132 (18.908). • Якшанба, 10 июнь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Тошкент областининг пиллачилари партия XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль, апрель Пленумларининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, пилла қурти боқишни уюшқоқлик билан ўтказдилар, мўл ҳосил етиштирдилар ҳамда пилла тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятларини 1984 йил 8 июнда муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 2182 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 73 килограммдан пилла олинди. Тайёрланган пилланинг сифати ошди, жами маҳсулот асосан биринчи навларга топширилди.

Ҳамма районларнинг меҳнатчилари социалистик мажбуриятларни бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Бекобод, Ғалаба, Чиноз, Янгийўл, Оққўрғон, Тошкент, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Орджоникидзе, Коммунистик, Пскент ва Бўка районларининг пиллачилари, айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бекобод районидаги Ленин номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Коммунистик районидаги «Политотдел», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг, Калинин районидаги Гагарин номли, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон», Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозларининг ва бошқа кўпгина хўжаликларнинг пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан 75-90 килограммдан пилла олдилар.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозидан О. Маҳкамова, Калинин районидаги «Москва» колхозидан М. Одилова, Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозидан М. Асманова, Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозидан Х. Хатамова, Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхозидан Э. Холманова, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхозидан В. Қорабоева, Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозидан Х. Ғуломова, Орджоникидзе районидаги «Правда» колхозидан О. Соипова, Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозидан Ш. Дўшабоева, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Н. Грачева, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозидан Х. Ҳасанова, Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозидан Ф. Жиянова, Паркент районидаги «Прогресс» совхозидан Т. Рихсиева, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозидан Б. Аҳмедова пилла қуртқ боқишда юксак маҳорат намуналарини кўрсатиб, ҳар қути қурт уруғидан 120 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ пилла етиштириб олдилар ва ўн биринчи беш йиллик планини барвақт бажардилар. Областнинг беш мингдан кўпроқ пиллачиси ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ва ундан кўпроқ пилла олди.

Ғалабага колхозчиларнинг, ишчиларнинг, колхоз ва совхозлар, қурт уруғи заводлари мутахассисларининг фидокорона меҳнати, партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий иши, пиллачиликда фан ва илғор тажрибa ютуқларидан кенг фойдаланиш туфайли эришилди.

Область пиллачилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган кунинг 60 йиллиги шарафига ялпи пилла ҳосилини 2300 тоннагача етказишга қарор қилдилар.

ТЕЖАМКОРЛИК — ЮКСАК ФАЗИЛАТ

Тежалгани, иқтисод қилингани — нақд бойлик. Бундай бойликни тайёрлашга куч ҳам, маблағ ҳам сарфлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Коммунистик партия хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурслардан оқилкорлик билан фойдаланишни муҳим хўжалик ва сиёсий вазифа қилиб қўймоқдаки, бу вазифани муваффақиятли адо этиш учун кураш мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу ишда коммунистлар, новатор ишчилар, ўз касбига ихлос қўйган фидокор мутахассислар намуна кўрсатяптилар, тежамкорлик, иқтисод қилишда, исрофгарчиликнинг олдини олишда янгидан янги ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар.

Мамлакатимиз бой ва бадавлат, лекин мамлакатимиз бойлиги беҳисоб эмас. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида таъкидланганидек, экономиканинг барча тармоқларини интенсив ривожлантириш йўлидан борилаётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида, ҳар бир иш жойида тежамкорлик режимини кучайтиришга алоҳида эътибор бериш, бунинг эвазига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш зарур. Ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари ҳузурида «ресурсларни келгуси авлодлар учун ҳам тежаш, шу сабабли улардан оқилкорлик билан фойдаланиш керак»лиги ҳақида айтган сўзлари бутун мамлакатимиздаги сингари республикамиз меҳнаткашларининг ҳам қалбидан чуқур жой олди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли тармоқларида экономикани тежамли юритишга қаратилган, резервларни ҳаракатга келтириш, исрофгарчиликнинг йўлини тўсиш, иқтисод ва тежамкорликка имкон берадиган илғор иш усулларига амал қилиш ажойиб самаралар бермоқда.

Самарқанд шаҳар пиллакашлари мусобақасининг ғолиби — коммунист бригадир Омон Худойқулов эл-юрт фаровонлиги ҳақида қайғуриб, анча ҳисоб-китоблар қилди. Ўз хулосаларини қайта чамаладик. Аниқ фикрга келгач, кўнглидагини бригададошлари билан баҳам кўрди. Унча кўп маблағ сарфламасдан туриб, айрим иш жараёнларини такомиллаштириш ҳисобига анчагина хом ашё тежаш мумкинлигини исбот қилди. Фабрика партия комитети бригадирнинг таклифини маъқуллади. Корхона маъмурияти пилла ўровчиларни сифатли хом ашё билан вақтида таъминлаб туришнинг кафилини олди. Ташаббус Раъно Хайруллаева бригадаси, кейин бошқа бригадалар томонидан қўллаб-қувватланди. Шу тарика пиллакашлик фабрикасида янги ташаббус туғилди.

Қўқон пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинати ва Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси коллективлари тежамкорлик, иқтисод қилиш режимини амалга оширишда ибратли ишлар қилмоқдалар. Бу коллективлар товар маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Улар пилла, синтетик ип, калава, электр энергия иқтисод қилиш, пахтадан, калава ипдан, пилладан оқилона ҳамда тежаб-тергаб фойдаланиш учун социалистик мусобақани авж олдириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар, зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қўқон пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинати, Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси коллективларининг пахта толасидан, ип калавадан, пилладан, электр энергиядан оқилона ҳамда тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади. Корхоналар партия ташкилотларига иқтисод ва тежамкорлик учун бошлаган социалистик мусобақага бошчилик қилиш, шу муҳим ишда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш топширилди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети корхоналарда ана шу ташаббусни оммалаштиришга доир зарур ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ўтказишлари лозим. Хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилиши устидан контроллик кучайтирилиши керак. Пахта, калава ва бошқа хом ашё турларини тежаш юзасидан топшириқлар ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятлар адо этилиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулияти оширилиши зарур.

Республика меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг ҳаёт синовидан ўтган энг яхши усулларига кенг амал қилиб, мавжуд ресурсларни тежаш барча омилларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Илғор корхоналарнинг коллективлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Уларда асосий диққат-эътибор инженерларнинг ижодкорлиги ва ишчиларнинг юксак маҳорати кўпроқ самара берадиган резервларни ҳаракатга келтиришга, ҳар бир меҳнаткашда топширилган иш учун масъулиятни ошириб боришга қаратилмоқда.

Тежамкорлик халқ хўжалигининг турли тармоқларида оммавий ҳаракатга айланиб бораётганини тасдиқловчи мисоллар оз эмас. «Ҳамиша ва ҳамма ерда тежамкорликка эришайлик» шиори остидаги кўрик самаралари шундан далолат бериб турибди. Шуни айтиш керакки, экономикани тежамли юритишга бефарқ қараш кайфиятлари ҳам йўқ эмас. Бу соҳада жиддий камчиликлар ҳам юз бермоқда. Хом ашёни авайлаб ишлатмаслик, эскирган технологияга барҳам бермаслик оқибатида қатор ҳолларда хом ашё ҳамда маҳсулотлар планлаштирилганидан ортиқча сарфлаб юборилмоқда. Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар планлаштирилганидан ортиб кетмоқда. Вазифа — қанчадан қанча куч ва маблағ сарфлаб ишлаб чиқарилган хом ашё ва материалларни тежаш учун ҳар бир корхонада, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида таъсирли чоралар кўришдан иборат.

Хўжасизлик, исрофгарчиликнинг олдини олиш учун меҳнат коллективларида тарбиявий ишларни янада яхшилаш, партия комитетлари ишлаб чиқаришдаги уюшқоқлик ва тартиб-интизом учун раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни оширишлари лозим. Тежамкорлик ва иқтисод қилишда энг яхши натижаларга эришган илғорларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилишига эришиш керак.

Иқтисод қилиш ва тежамкорлик — замондошларимизга хос фазилат. Ана шу фазилатни ҳар бир кишида тарбиялайлик, камол топтирайлик. Партиямизнинг бугунги иқтисодий сиёсати ана шуни талаб қилмоқда.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

НАЗОРАТЧИЛАР ҲИССАСИ

Ғиждувон районидаги 2-Жилвон боғдорчилик ва узумчилик совхозининг меҳнатсевар коллективи беш йиллик тўртинчи йилида давлатга 415 тонна узум, 70 тонна полиз маҳсулотлари, кўплаб мева-чева етказиб беришга аҳд қилган. Бу масъулиятли вазифани адо этиш ишига коммунист С. Мирзаев бошчилигидаги халқ назоратчилари ҳам ўз улушларини қўшишмоқда. Беш кишидан иборат халқ контроли группаси тартиб-интизомнинг мустаҳкамланиши, экинлар парвариши намунали ташкил этилиши учун жон куйдирмоқда.

Назоратчиларнинг асосий эътибори ер-сув, минерал ўғитлар ва машина-механизмлардан оқилкорлик билан фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материаллари тежаб-тергаб сарфланишига эришишга қаратилаётир. Камчилик ва нуқсонларнинг изчиллик билан бартараф этилиши натижасида кўплаб электр энергияси, солярка, минерал ўғит тежаб қолинди, 900 сўмдан зиёд маблағ беҳуда сарфланишининг олди олинди. Бу ютуқлар Ж. Саидов, Р. Шодиева, М. Назаров каби халқ назоратчиларининг ўз жамоатчилик вазифасини виждонан адо этаётганлиги туфайли қўлга киритилди.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.



КОМБАЙНЛАР ДАЛАДА

Комсомолобод районидаги «Андижон» чорвачилик-уруғчилик совхози далаларида экилган ғалла пишиб етилди. Шу кунларда комбайнлар шижоат билан ишлатилмоқда. Хўжаликнинг 52 гектар майдондаги арпаси, 24 гектар ердаги буғдойи пешма-пеш ўриб олинмоқда. Бу ерда 3 та комбайн тиниб-ҳисоб ишлаб, кундалик топшириқлар ортиғи билан бажарилаётир. Бу йилги ҳосилнинг чўғи катта. Шунинг учун ҳам ғаллакорлар 25 центнерлик маррани кўзлаб турибдилар.

Суратларда: хўжаликнинг 1-бўлим бошқарувчиси Тўпанбой Қамчиев ва илғор комбайнчи Эргашбой Аҳмаджоновлар ҳосил чўғини кўздан кечирмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

Уюшқоқлик — муваффақият гарови

Пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш масаласи осонликча ҳал этилмаяпти. Айниқса, бизнинг хўжалигимиз шароитида бу чиндан ҳам игна билан қудуқ қазишдек мураккаб иш. Негаки, ерларимиз шўр ва зах, сув яқин. Агар тупроқнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшилаб борилмаса, захи қочириб турилмаса, алмашлаб экиш қоидаларига изчил риоя қилинмаса, кўзланган маррани эгаллаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўтган йилги мураккаб шароитда ҳам ҳар гектар ердан хўжалигимиз бўйича мўлжалдаги 26,8 центнер ўрнига 30,5 центнердан «оқ олтин» етиштириларди. Ялпи хирмон эса 7 минг тоннадан ошди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида ўртача ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш мўлжалланмоқда. Ана шу эзгу ният йўлида 2350 гектар майдонга сифатли қилиб чигит қадаган эдик. Кўпгина майдонларда чигит қийғос униб чиқаётган чоғда деҳқонларимиз кутилмаган қийинчиликка дуч келдилар. 26 апрель куни кучли ёмғир ёғиб, далаларимизни сел босди. Ғўзалар лойқа остида қолди. Қариб 2 минг гектарга яқин майдон ёмғирдан қаттиқ зарарланди.

Аввало, ёмғир ювган, сув кўллаган майдонларни текислаш, тобга келтириш учун ҳаракат қилдик. Ҳатто баъзи карталарнинг четларида тўпланган сувни насослар билан тортиб олишга тўғри келди. Ерни экишга тайёрлашда 33 та ҳайдов трактори, 150 борона, чизел унумли ишлатилди. 200 дан ортиқ механизатор икки сменада тер тўкди. Айниқса, улар чигитни тез ва соз қадашда жонбозлик кўрсатишди. 30 та сеялкадан юқори самара билан фойдаланилди. Салкам 2 минг гектар майдонга қисқа муддатда иккинчи бор чигит қадалди. Касбдошларимдан Абдулқосим Тожиев, Турди Синдоров, Пирим Холбоев, Зойир Алиқулов, Пўлат Рўзиев, Тоштемир Ўролов, Баҳриддин Собиров, Ҳамид Юсупов сингари суворийлар айниқса жасорат кўрсатдилар. Ҳозир такрор экилган майдонлардаги чигит бир текис униб чиқди. Лекин экин ривожи ўтган йилгидан қарийб 15 кун кечикмоқда. Бу қолоқликни тугатиш учун нималарга эътибор берилмоқда?

Биз аввало, пахтачилик соҳасида тўпланган илғор тажрибаларга қаттиқ суяниб иш тутяпмиз.

Бу йилги мураккаб шароитда ҳар бир агротехник тадбирни ғоят моҳирлик билан амалга оширишга интиляпмиз. Бу жиҳатдан пудрат усулида ишлаётганимиз кўл келмоқда. Ҳозир совхозларимизда бешта бўлимда 233 та оилавий пахтачилик звенолари ишлаб турибди.

Миришкор деҳқонларимиз аввало комплекс ишловга катта аҳамият бермоқдалар. Механизаторларимиз ишлов сифатини яхшилаш билан бир қаторда, ҳар бир культивация оралиғидаги муддатни қисқартириш чорасини белгиладилар. Ниҳоллар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириб бориляпти. Маълумки, бу йил об-ҳаво паст келмоқда. Экинга ҳарорат етишмаётир. Биз культивацияни чуқур ўтказиш, тупроқни доимо донадор, майин сақлашга асосий эътиборни қаратяпмиз. Шунда тупроқда фойдали микроорганизмлар ҳаракати кучайиб, ҳаво ва қуёш нури яхши сингади. Ўсимлик илдизлари ҳароратдан ва ўғитлардан етарли баҳраманд бўлади. Унинг ўсиши, ривожланиши тезлашади. Касбдошларимнинг ҳар бири кунига 6—8 гектар майдонга сифатли ишлов бермоқдалар.

Ёмғир тез-тез ёғиб турганлиги туфайли қатқалоқ ва ёввойи ўтлар экинни исканжага олмоқда. Лекин деҳқонларимиз бир дақиқа ҳам қараб туришгани йўқ. Зарур пайтда қийма чопиқ билан қатқалоқни ҳам, бегона ўтларни ҳам пайдар-пай йўқотишмоқда. Ниҳоллар парваришини яхшилаш, ривожига ривож қўшишда Сайфулла Абдуллаев, Комил Эшонқулов, Эшмамат Эралиев, Нормурод Юсупов, Ҳайдар Алиқулов, Бекмурод Қурбонов, Назар Аҳмедов, Норбўта Муродов, Умар Шамсиев сингари уста пахтакорлар бошлиқ оилавий звеноларнинг аъзолари алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Табиий офат келтириб чиқарган қолоқликни йўқотишда бошқа омиллардан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Хўжалигимизда йил бўйи фаолият кўрсатаётган сифат комиссияси шу кунларда барча жабҳада кўз-қулоқ бўлиб турибди. Комплекс парвариш сифати, меҳнат интизоми, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усули шартларининг бажарилиши мунтазам равишда назорат қилиб борилаётир. Бундан ташқари техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, тежамкорликни яхшилаш соҳасида ҳам сифат комиссиясининг роли катта бўлмоқда.

Мусобақа оммавийлик касб этганлиги туфайли ҳамма ерда илғорлар тажрибасини оммалаштиришга эришяпмиз. Далада ишлаётганлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан руҳланган деҳқонларимиз меҳнат беллашувини тобора авж олдирмоқдалар. Масалан, мусобақа якунлари бўлимлар ўртасида ҳар ўн беш кунда, механизаторлар ўртасида ҳар ўн кунда якунланмоқда. Илғорлар моддий-маънавий рағбатлантирилаётир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эл-юрт олдида берган ваъдамизни бажариш бу йил ҳам осон кўчмайди. Лекин бундай қийинчиликларни энди кўраётганимиз йўқ. Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак, илғор тажрибалар, фан-техника ютуқларига астойдил суянсак, шубҳасиз зафар бизга ёр бўлади. Кузда кўтариладиган «оқ олтин» хирмонларимиз салмоғи айни кунлардаги ғайрат-шижоатимизга боғлиқ.

Э. ЎРОЛОВ,
Пайариқ районидаги Димитров номли совхоз механизатори.

- ҒЎЗА ПАРВАРИШИДАГИ ҚОЛОҚЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИБ, МЎЛ, ЭРТАГИ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАМИЗ.
- МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИДИР.
- КУЛЬТИВАЦИЯ МУДДАТИНИ ҚИСҚАРТИРГАН ҲОЛДА, УНИНГ ЧУҚУР ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛИШИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА.
- ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИНГ ДОИМО МАЙИН ВА ДОНАДОР САҚЛАНИШИГА ЭРИШАМИЗ.
- ДАЛАЛАРДА БЕГОНА ЎТЛАРНИ БАТАМОМ ТУГАТИБ, ҒЎЗАНИНГ БАРАВЖ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Тошкент области — область партия комитетининг секретари М. М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов, область комсомол комитетининг секретари М. Маҳмудов, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи А. М. Маттиев.

Шеробод райони — район партия комитетининг секретари Э. Эргашев, район ижроия комитетининг раиси Ж. Абдулҳакимов, район комсомол комитетининг секретари А. Менглиев, бош пиллахона директори К. Абдураимов.

Избоскан райони — район партия комитетининг секретари Ҳ. Ғозиев, район ижроия комитетининг раиси Т. Мамажонов, район комсомол комитетининг секретари Х. Ўтанов, бош пиллахона директори А. Ғаниев.

Коммунистик райони — район партия комитетининг секретари У. Мирзакулов, район ижроия комитетининг раиси И. Ли, район комсомол комитетининг секретари О. Толипов, бош пиллахона директори Б. Улуғхўжаев.

Пискент райони — район партия комитетининг секретари У. Баҳодиров, район ижроия комитетининг раиси М. Халилов, район комсомол комитетининг секретари Т. Туронов, бош пиллахона директори А. Арслонов.

Қувасой шаҳри — шаҳар партия комитетининг секретари М. Раҳматов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Н. Аҳмедова, шаҳар комсомол комитетининг секретари К. Тошматов, бош пиллахона директори К. Абдуллаев.

Косонсой райони — район партия комитетининг секретари С. Каримов, район ижроия комитетининг раиси А. Жаъфаров, район комсомол комитетининг секретари Х. Абдуллаев, бош пиллахона директори А. Отамирзаев.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва сув хўжалиги органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Леонид Валентинович **Сафроновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ленинчасига яшайлик, ишлайлик, курашайлик

Ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йил 28 майда комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида «Ленинчасига яшайлик, ишлайлик, курашайлик» мавзуида сўзлаган нутқи алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобча Сиёсий адабиёт нашриётида босилди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

Республикада 22 мингдан кўпроқ комсомол маҳаллий Советларнинг депутати этиб сайланган, улар давлат ишларини бошқаришда бевосита қатнашмоқдалар. 5 миллиондан кўпроқ мактаб ўқувчиси, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, студентлар фан асосларини қунт билан эгаллаб, ғоявий жиҳатдан чиниқмоқдалар, меҳнатга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 9 июнь куни бўлиб ўтган пленумида ана шулар ҳақида гапирилди. Унда КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг якунлари ҳамда республика комсомол ташкилотларининг ўртоқ К. У. Черненко Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмалар ва тавсиялардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Докладда ва нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон комсомоллари, барча меҳнаткаш ёшлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг социалистик демократияни янада такомиллаштиришга, ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва ҳунарга ўргатишни яхшилашга қаратилган қарорларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Нотиқлар ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда, сўнгра эса комсомол ҳодимларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқларида комсомол иши форма ва методларини янада такомиллаштиришга доир конкрет ҳаракат программаси белгиланганлигини қайд этиб ўтдилар.

Комсомол комитетларининг фаолиятида, ёшлар билан бутун сиёсий-тарбиявий ишларда ҳали талайгина камчиликлар борлиги таъкидланди. Комсомол ташкилотлари ҳамма жойда ҳам ўзаро талабчанлик вазиятини вужудга келтиряпти деб бўлмайди, зарбдорларнинг анъаналари ҳамиша ҳам қўллаб-қувватланаётгани йўқ, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд имкониятлар ва резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга йигит ва қизларнинг куч-ғайратини бекамқўст йўналтиряптилар деб бўлмайди. Ёш ўринбосарларнинг меҳнат тарбиясини ва уларга касб ўргатишни йўлга қўйиш тўбдан қайта қурилиши зарур. Комсомолнинг мактаб тўғрисидаги ғамхўрлигини кучайтириш, пионер ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, армия билан алоқани мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш даражасини ошириш — кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Партия ишига ўтганликлари муносабати билан А. П. Володарский Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари вазифасидан, Ш. Н. Маҳмудова — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари вазифасидан озод этилдилар.

Илгари ВЛКСМ Марказий Комитети секторининг мудири бўлиб ишлаган Е. В. Гревцов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди. Илгари Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси бўлиб ишлаган М. А. Раҳимбердиева Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари этиб сайланди. Р. Н. Тоштемирова Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси қилиб сайланди.

Пленум ишида ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол ташкилотлари бўлимининг мудири В. П. Соловьев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

БУГУН — ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Беш йилликда мамлакат енгил саноати меҳнаткашлари олдига масъулиятли вазифалар қўйилган. Совет кишиларининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг фаровонлигини ошириш шу соҳа меҳнаткашларининг иш суръатлари ва сифатига боғлиқдир. Тармоқ коллективлари ишни сабот билан такомиллаштирмоқдалар, ички резервлардан тўлиқроқ фойдаланишга интилмоқдалар.

Профессионал байрам — Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида гапирилди. Йиғилиш 8 июнь куни Москвада бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, социалистик мусобақа ғолиблари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари президиумдан жой олдилар.

СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасов доклад қилди. (ТАСС).

ҲАР БИР ИШ ЎРНИДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

ЯХШИ ИШЛАСАК — ЯХШИ ЯШАЙМИЗ

Шу ойнинг биринчи ҳафтаси эди. Корхонамиз директори Ўрмонжон Йўлдошевнинг кабинетига тўпландик. Хонада бош инженер, директор ўринбосари, бош бухгалтер, экономист, план бўлимининг бошлиғи ва беш йиллик зарбдорлари ўтиришарди. Ҳамма йиғилгач, директор гап бошлади:

— Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Қўқон пайпоқ йигирув комбинати, Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси коллективлари ташаббуси маъқулланганлиги ҳақидаги қарор эълон қилинди. Ҳаммангиз ўқиган бўлишингиз керак. Ташаббускорлар ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, ҳар бир иш ўрнида тежамкорлик режимини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга даъват этганлар.

Агар фабрикамизда меҳнат унумдорлиги планга нисбатан бир процент оширилса, шу йил охиригача пландан ташқари 188,2 минг сўмлик маҳсулот ёки 45 минг метр шойи газлама ишлаб чиқарилади. Маҳсулот таннархи ярим процент камайтирилса, 90 минг сўм қўшимча фойда кўрамиз...

Шундан кейин беш йиллик зарбдорлари дилидаги гапларни айтдилар. Фабрикамизда 3 тўқувчи: Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муҳаббат Азимова, коммунистик меҳнат зарбдори Холмуҳаммад Усмонов ва мен ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилдик, янги мажбуриятлар олдик. Мен меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 2 процент ошириш, маҳсулот таннархини бир процент камайтиришга сўз бердим. Мақсадга эришсам, икки беш йиллик планга қўшимча 10 минг шартли метр шойи газлама тўқишга муваффақ бўламан...

Қўқонлик йигирувчилар ва самарқандлик пиллачилар бошлаган ташаббус асосида ана шундай юриш бошладик. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири — тўқув дастгоҳларининг бекор тури шини камайтириш. Бу соҳада анча ишлар қилдик. Дастгоҳларнинг юксак унум билан ишлаши эса кўп жиҳатдан профилактик ишларга боғлиқ.

Масалан, мен ҳозир ҳар сменада 44 метр ўрнига 60—70 метрдан шойи газлама тўқияпман. Шу йилнинг ўтган беш ойида салкам 700 метр шойи газлама тайёрладим. Бунинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Ўн биринчи беш йилликда 20 ёш ишчи — шогирд тайёрлайман, деб ваъда бергандим. Бу ваъдамни ўтган уч йилдаёқ бажариб бўлдим. Қувончлиси шундаки, корхонамиз беш йиллигининг учинчи йили якунларига кўра республика социалистик мусобақаси ғолиби бўлди.

Фабрикамиз коллективи йилнинг ўтган ойларида юксак кўрсаткичларга эришди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 102,2 процент бажарилди. Салкам 7,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу, планга нисбатан анча кўп. Меҳнат унумдорлиги 2,2 процент кўтарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 14 процент ўсди. Қарийб бир миллион сўм фойда олинди.

Бу ютуқлар биз учун чегара эмас. Қўқонлик ва самарқандлик ишчи сафдошларимиз ташаббусидан руҳланиб, ишлаб чиқаришда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш, маҳсулот турини кўлайтириш ва сифатини яхшилаш учун астойдил курашяпмиз.

Шунга қарамасдан, ишимизда ҳали қатор қийинчиликлар ҳам бор. Мусобақани ташкил этишда, унинг таъсирчанлигини, тарбиявий ролини кўтаришда, ички резервларни топиб ишга туширишда кўп ишлар қилишимиз керак. Асосий фондларнинг самарадорлигини ошириш учун қатъий кураш олиб бормоғимиз лозим. Фабрикамиз Андижон ип газлама комбинатидан 20/1 номерли ип олади. Бу ипларни бизга келганда узилиб кетяпти. Сабаб: унинг сифати ёмон. Кўп эшиб, юборилмоқда. Комбинат маъмурияти бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрса, мақсадга мувофиқ бўларди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко **«Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак»** деб алоҳида таъкидлади. Биз ана шу гоят қимматли гапга амал қиламиз. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида ва умуман ўн биринчи беш йилликда қўқонлик, самарқандлик ишчи сафдошларимиздан ўрнак олиб, ҳар бир иш ўрнида тежамкор бўлишга, унумдорликни оширишга, таннархни арзонлаштиришга эришамиз.

Инобатхон АБДУЛЛАЕВА,
Шаҳрихон атлас тўқиш фабрикасининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқувчиси.

ҲАММАСИ ХАЛҚ УЧУН

Мамлакатимиз меҳнаткашлари «Енгил саноат ходимлари куни»ни нишонламоқдалар. Улар бу билан ҳар бир совет кишиси учун зарур бўлган кийим-кечак, пойабзал, газлама, трикотаж ва бошқа кўплаб истеъмол молларини яратаётган кишиларни муборакбод этмоқдалар.

КПСС XXVI съезди белгилаб берган социал-иқтисодий программани амалга оширишда енгил индустриянинг роли ғоятда муҳимдир. Унда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва хилларини ранг-баранг қилиш кўзда тутилган. Шунга кўра, бу йил анча харидоргир тикув буюмлари, трикотаж, модел пойабзаллар тайёрлаш анча ошириладди. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган газламалар ассортиментини кенгайтириш мўлжалланган. Газламалардан янги структурадаги ва безакдаги маҳсулотлар тайёрлаш кўпайтирилиши лозим. Ўтган йилларда бўлгани каби беш йиллигининг қолган даврида ҳам енгил саноат меҳнат ресурслари анча бой бўлган Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида ишлаб чиқариш суръатлари билан ривожлантирилади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1983—1985 йилларда аҳолини халқ истеъмол моллари билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида» ўтган йил май ойида қабул қилган қарори енгил саноат ходимлари олдига янги, мураккаб вазифаларни қўйди. Уларни муваффақиятли бажариш учун резервлар ва имкониятларни сабот билан қидириб топиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ўстириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини кенг қўлланиш катта аҳамият касб этади. Ўртоқ К. У. Черненко Москвадаги «Серп и Молот» заводининг ишчилари ҳузурида айтганидек: «Меҳнат унумдорлигини оширишнинг тузумимизга хос бўлган самарали йўли ишлаб чиқилди. Меҳнатчининг шахсий манфаатлари билан коллектив ва жамиятнинг манфаатларини бирга қўшишнинг тўғри усули топилди. Бу — ҳам иқтисодий, ҳам социал-сиёсий, ҳам тарбиявий жиҳатдан социалистик қурилишнинг туб масалаларидан биридир». Константин Устинович Черненко таъкидлаган самарали йўл — бригада пудратидир.

Ўзбекистон енгил саноатчилари тармоқдаги барча касбдошлари қатори КПСС XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Яқинда Қўқондаги пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинати ҳамда Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси коллективлари ҳар бир иш ўрнида тежамкорлик режимини кучайтириш ташаббуси билан чиқдилар. Минглаб ишчилар уларнинг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, меҳнатда улкан зафар қучмоқдалар. Масалан, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Машкура Қодирова Енгил саноат ходимлари куни арафасида икки беш йиллик топшириқларини бажарганлиги тўғрисида ғалаба рапорти берди.

Суратда: Жарқўрғон йигирув-тўқув фабрикаси партия ташкилотининг секретари Ш. Жалилова (ўнгдан иккинчи) ишчиларни байрам билан қутламоқда. Бу корхона яқинда ишга туширилган бўлиб, у йилига қарийб 2 минг тонна калава ишлаб чиқара олади. Айни пайтда корхонанинг иккинчи навбати — тўқув ишлаб чиқариши барпо этилмоқда.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

ТАНҚИД ТАЪСИРЛИ БЎЛСИН

Қўқон шаҳар **«Меҳнат байроғи»** газетаси ўлкада социал-иқтисодий ўзгаришларнинг жанговар, чинакам оммавий тарғиботчиси ва ташкилотчиси сифатида яхши маълум. Дастлабки номери 1918 йили ўқувчилар қўлига теккан бу газетанинг ўз анъаналари бор. Индустриал Қўқон ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, майдонга келаётган ташаббуслар, қолаверса, шаҳар хўжалиги ва турмуш маданиятини ривожлантиришга доир муаммоларга бағишланган принципиал чиқишлари билан у партия ва совет ташкилотларига КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишда актив кўмаклашмоқда.

Социалистик мусобақа жараёнида туғилган ташаббусларни кенг оммалаштириш меҳнат коллективларида тўпланаётган бой тажрибани ҳамманинг мулкига айлантириш масалалари кенг ёритилаётир. Чунончи, ўтган йилнинг мартида шаҳар саноат корхоналарининг ўн нафар зарбдори «Беш йиллик — Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигигача» шиори остида мусобақа бошлаган эди. Газетанинг шу ташаббус ҳақидаги материали шаҳар партия комитети бюроси томонидан маъқулланди ва барча меҳнат коллективларига кенг ёйилди. «Ўнлар ташаббуси амалда» рубрикаси остида ҳозиргача 30 дан зиёд ранг-баранг материаллар эълон қилинди. Газета саҳифаларида янги анъаналарни тарғиб этувчи, совет турмуш тарзи мавзуидаги материаллар ҳам диққатни ўзига жалб этади.

Булар-ку, дуруст. Хўш, газетада танқид ва ўз-ўзини танқидга доир материаллар ҳам ижчил ёритиляптими, уларнинг савияси, таъсир кучи қандай? Аввало, бу масалада ҳам газета редакцияси ижчил йўл тутиб келаётганини эътироф этиш керак. Ўтган йил давомида эълон қилинган «Ўз-ўзини танқид унутилса...», «Вагонлар ҳасрати», «Янги массив жумбоқлари», «Учар бойваччанинг саргузашти», «Муносабат шуми?», «Транспорт ва самарадорлик» каби қатор танқидий мақола ва фельетонлар газетхонларда катта қизиқиш уйготди. Газетанинг махсус «Қалам-пир» саҳифасида ҳам ярамас иллатларга қарши кескин ўт очилмоқда. Шу билан бир қаторда газетада «Танқид бурчаги», «Бонг урамиз», «Бир хат изидан», «Шаҳар мавзуида» каби рубрикалар остида ҳам танқидий хат-хабарлар бериб борилмоқда. «Бош мухбиримиздан» деб номланган махсус саҳифалар эса, асосан, меҳнаткашлар хатларидан иборат бўлиб, уларда газетхонларнинг турли мавзулардаги материаллари, танқидий хат-хабарлари эълон қилинади.

Лекин бундан «Меҳнат байроғи»да танқидий материалларга кенг ўрин берилляпти, деган хулоса келиб чиқмайди. Газетада эълон қилинган талайгина танқидий материаллар фактлар чуқур таҳлил этилмай, саёз ёзилган. Газетанинг 1983 йил 16 январь сонида «Меҳнаткашлар хатлари» сарлавҳали бош мақола эълон қилинди. Кўриниб турибдики, гап ғоят жиддий масала устида борянти. Лекин айтиб ўтиш керакки, бош мақола деярли бошдан-охири мақтовдан иборат, холос. Тўғри, биттагина абзацда шаҳар маиший хизмат бошқармаси, ички ишлар бўлими, «Зангори экран» ательеси каби корхона ва муассасаларда меҳнаткашлар хатларига юзаки муносабатда бўлинаётгани таажжубланарли ҳол деб, писанда қилиб ўтилади. Шу ўринда битта савол туғилиши табиий. Хўш, фактлар таҳлили қани? Жанговар танқид қани? Бош мақолада меҳнаткашлар хатларига лоқайдлик билан муносабатда бўлган ташкилотлар раҳбарларининг беҳафсалалик ва бюрократлигига таажжубланиш билан чекланиш ўрнига, бу иллатлар фош этилса бўлмасмиди?

Газетанинг 1983 йил 2 март сонида «Хизмат — талаб даражасига» рейд материали эълон қилинган. Унда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги қийинчиликлар ҳамда муаммолар устида фикр юритилади, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар танқид остига олинади. Кўринниб турибдики, муҳим мавзуга қўл урилган. Аммо материални эълон қилишдан кузатилган мақсадга эришилганми? Мақолада шаҳар транспорти ишидаги камчиликлар тилга олинса-да, бу нуқсонларнинг туб сабаблари аниқ ва лўнда фактлар воситасида очиб ташланмайди. Баъзи дағал ёки киракаш шоферларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари санаб ўтилади, холос. Бизнингча, газета шаҳар аҳолисига транспорт хизматиқ кўрсатишнинг мутаассадилигини олган автокорхоналар бошланғич партия, касаба союз ташкилотларининг фаолиятини атрофлича ва чуқур таҳлил этиши лозим эди. Афсуски, муҳим мавзудаги рейд материалида бирорта автокорхона раҳбарининг номи тилга олинмайди, қийинчиликларнинг туб сабаби нимада эканлиги, уларнинг айбдорлари кўрсатилмайди. Кимга қарата айтилаётгани аниқ маълум бўлмаган танқид нишонга тегадими?

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Ўтган йилнинг 29 июнида босилган «Бепарволикми, ёки...» сарлавҳали танқидий материалда ҳам айнан юқорида айтилган камчиликлар кўзга ташланиб турибди. Газетанинг таъкидлашича, шоферлар Аврора кўчасидан «юришга безиллаймиз» деб шикоят қилишади. Лекин ҳамма гап шундаки, мазкур танқидий материалда ҳам бу кўчанинг қаровсиз қолганига кимлар сабабчи эканлиги очилмайди. Кескин очиқ-ошкор танқид ўрнига газета «мутасадди ташкилотлар нега беғамлик қилади?» деган умумий савол билан чегаланади. Қизиқ, бу ўринда кайси ташкилот назарда тутиляпти? Унинг раҳбарлари ким? Ўқувчи бу саволларга жавоб тополмайди. 1984 йилнинг биринчи кварталида давомида эса газетада «Халқ назорати амалда» умумий сарлавҳаси остида икки марта махсус саҳифа берилди ва халқ назоратчисининг «Ташкилотчилик етишмагач» номли танқидий мақоласи эълон қилинди. Деярли уч ой давомида газета шаҳар халқ контроли комитети томонидан муҳокама қилинмаган, бундан бошқа жиддий, принципиал, баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган танқидий материаллар эълон қилмаганлигини нормал ҳол деб бўлмайди.

Лекин бошқа бир нарсадан ҳам сира кўз юмиб бўлмайди. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган ҳамма танқидий материаллар юзасидан ҳам текшириш натижалари ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида белгиланган тадбирлар тўғрисидаги жавоб хатлари босилаётгани йўқ. Чунончи, газетанинг 1983 йил 30 март сонида босилиб, кўпчиликнинг эътиборини тортган «Дискотекадаги ҳангомалар» сарлавҳали танқидий материалда кўтарилган масала қандай ҳал бўлганлигидан газетхонлар ҳозиргача хабардор қилинмаган. Шаҳардаги химиклар Маданият уйидаги тартибсизликлар, айрим шахсларнинг ахлоқ нормаларига зид хатти-ҳаракатлари фош этилган. Бу материал наҳотки шу маданият муассасаси мутасаддиси бўлмиш суперфосфат заводи партия комитети эътиборини тортмаган бўлса? Корхонанинг баъзи раҳбарлари, эҳтимол, газетанинг чиқишига совуққонлик билан муносабатда бўлишгандир, лекин редакция ҳам ўзининг бу жиддий танқидий материали оқибатсиз қолаётганига эътибор бермаётгани кўриниб турибди.

Газетанинг 1983 йил 5 август сонида «Мавсум талаби ва таъминот» сарлавҳаси остида танқидий материал босилиб, шаҳардаги айрим савдо ташкилотларининг аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш борасидаги камчиликлари очиб ташланган эди. Афсуски, шаҳар озиқ-овқат идораси маъмурияти ўз адресларига айтилган танқидий фикрга нисбатан редакцияга ҳатто жавоб хати йўллашни ҳам лозим топмади. Шунингдек, «Болалар — келажагимиз» сарлавҳали бош мақоладаги танқидий фикрлар юзасидан шаҳар халқ маорифи бўлими раҳбарлари ҳам лом-мим деганлари йўқ. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Газета редакцияси ўз танқидий материалларига нисбатан совуқ қонларча муносабатда бўлиш ҳолларига муросасозлик билан қараб келаётганлиги кўриниб турибди. Қатъий, принципиал позицияда бўлмагач, ҳамма танқидий чиқишлар ҳам таъсирли бўлавермаслигини унутмаслик даркор.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, матбуот ўз эътиборини партия ва халқ фаолиятининг бош йўналишларига проблемаларни жиддий анализ қилишга, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга қаратганида, ўзининг тарбиячилик, уюштирувчилик ролини муваффақиятли бажаради. Шу нуқтаи назардан қараганда, газета ижодий коллективи индустриал шаҳар ҳаётини ёритиш, хусусан жиддий, тезкорли, долзарб масалаларни кўтариб чиқувчи танқидий материалларни ёритиш борасида ҳали кўп иш қилиши шарт эканлиги кўриниб турибди. Қўқон шаҳар партия комитети ўз органи жанговарлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишда конкрет, амалий ёрдам кўрсатиши керак.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЁЗАДИЛАР

ЭНГ МУНОСИБЛАР — КПСС САФИГА

● Янгийўл шаҳар партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, ёш коммунистларни тарбиялашга эътиборни кучайтираётирлар.

Партия сафларига ишлаб чиқаришнинг етакчи участкаларида юксак меҳнат ва ижтимоий активлик кўрсатаётган муносиб кишилар қабул қилиняпти. Сўнгги вақтларда 59 киши КПСС аъзолигига, 30 киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Пойабзал фабрикаси ишчиси А. Муҳиддинов, 107-автокорхона ҳайдовчиси А. Чудиков, мебель фабрикасининг слесари М. Ботиров каби ёш коммунистлар меҳнатда юқори натижаларга эришиш билангина чекланмай, цех ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида актив иштирок этишмоқда.

С. АЛИЕВ.

ОММАВИЙ — СИЁСИЙ ИШЛАР МАРКАЗИ

● Андижон районидаги «Ленинград» колхози партия ташкилоти пахтакорларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини тобора яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Сўнгги бир йилда яна иккита дала шийпони фойдаланишга топширилди. Ҳар бир дала шийпони чинакам оромгоҳга айлантирилган. Деҳқонлар шу ернинг ўзида мазали таомлардан тушлик қиладилар, шахмат-шашка ўйнаб, дилрабо куй ва қўшиқлар тинглайдилар. Сотувчи сиз дўконлар ташкил этилган. Шийпонлар унумли меҳнатга чорловчи плакатлар, шиорлар билан жиҳозланган. Бу ерда бригадаларо социалистик мусобақанинг борыши ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасанча Аҳмедов бошлиқ 15-бригадасидаги шийпон айниқса, колхозчилар билан гавжум бўлади. Кўчма кутубхона мудири М. Жамолова газеталар ва бадиий асарларни мунтазам равишда етказиб беради. Агитатор Н. Тўраҳўжаев партия ва ҳукуматимиз қарорларини колхозчиларга тушунтириб, уларни янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда.

Н. ИНОҚОВ.

МАКТАБ ИШИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

МУҲИМ БОСҚИЧ

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида умумий таълим мактабининг ўн бир йилликка айлантирилиши ёшлар учун ўзлари севган касбларини янада пухтароқ ўрганиб чиқишларига катта имконият яратиши турган гап. Ҳозирги вақтда Сирдарё областида 28 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати мавжуд бўлиб, уларда ёшлар турли касбга ўргатилмоқда. Аммо бу борадаги ишлар областимиздаги ташкилотлар эҳтиёжларини мутлақо қониқтирмайди.

Маълумки, ҳозирги мавжуд программа ва дарсликларнинг ҳажми катта. Шунинг учун материалларни ўқувчилар қийинчилик билан ўзлаштирмоқда. Мактаб ислоҳоти ҳужжатида белгилаб берилганидек, ўрганилаётган материалларнинг ҳажмини қисқартириш, сифатини яхшилаш, унинг ҳаёт билан янада яхшироқ боғланиши айни муддаодир.

Ҳозирги вақтда мактабларимизда мутахассис кадрларга эҳтиёж катта. Айниқса, ўй-жойларнинг етишмаслиги сабабли кадрлар қўнимсизлиги содир бўлиб, бу ҳол ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили областимизга олий ва ўрта махсус маълумотли 650—700 нафар мутахассис келади, улардан юқорида кўрсатиб ўтилган салбий омиллар сабабли 65—70 процентигина ишда ўрнашиб қолмоқда, холос. Шунинг учун педагогларга уй-жой қурилишини янада кенгайтириш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Бу мактаб ислоҳотини амалга оширишнинг муҳим воситаси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўқитувчиларнинг моддий жиҳатдан рағбатлантирилиши мактабларда таълим-тарбия ишларини янада юксак даражага кўтаришга катта ёрдам бериши турган гап.

Областдаги мавжуд 254 мактабдан 90 таси 4 хил типовой бинога жойлашган. Ўз-ўзидан равшанки, бундай биноларга эга бўлмаган мактабларнинг ўқув-моддий базаси ҳам талабга жавоб бермайди, уларда ўқув устахоналари, ошхоналар, спорт майдончалари ҳам рисоладагидек бўлмайди. Мактабларимизда ўқув-машғулот хоналари етишмаслиги сабабли куни узайтирилган группаларга ўқувчиларнинг маълум проценти тортилган, холос. Тўғарак ишларига ёшларни кўпроқ жалб қилишнинг иложи йўқлигидан уларнинг маълум қисми дарсдан сўнг ўқитувчилар ва ота-оналар назоратидан четда қолмоқда.

Бундан ташқари ўқитувчиларнинг жуда кўп қимматли вақтлари турли хил жамоат тошириқларини бажаришга сарф бўлаётганлиги сабабли мактабларнинг оила билан алоқаси ҳам талаблар даражасида эмас. «Ўқитувчига зўр эътибор бериб ва одоб билан муносабатда бўлиш, педагогларни таълим ва тарбия ишларига алоқадор бўлмаган топшириқларни бажаришга жалб этмаслик зарур», деб мактаб ислоҳотида алоҳида таъкидланиши ниҳоятда эътиборга лойиқ. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини тўлиқ таълим-тарбия ишларига сафарбар этиш учун мактабларнинг ўқув-моддий базаларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги мактаб ислоҳотида ўз аксини топиши жуда қувончлидир.

Областимизда кўпгина кичик ва ўртача қишлоқлар мавжуддир. Шу сабабли ҳам 254 та таълим даргоҳининг 22 таси кам комплектли мактаблардан иборатдир. Сир эмаски, қишлоқларни-йириклаштириш, ҳамма жойда типовой мактаблар қуриш узоқ йиллар талаб қилди. Шунинг учун ҳам кам қувватли мактабларни ўқув-моддий базаси мустаҳкам бўлган мактабларга қўшиш лозим. Бунинг учун ўқувчиларга махсус автобуслар ажратиш зарур. Ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири шу. Чунки оталиқ ташкилотлари ҳозирги кунда 2784 ўқувчини мактаб ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига олиб бориб, олиб келиш учун автобуслар билан етарлича таъминлай олмаяпти. Автобуслардан айрим кунлари бошқа мақсадларда фойдаланилаётганлиги сабабли ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари машғулотларига мактаблардан ўқувчилар ўз вақтида етиб келолмаётганлиги сир эмас. Бундай камчиликларни тугатиш, болаларни мактабларга олиб бориш ва уйларига олиб келиб қўйиш учун ажратилган автобусларни бир жойга марказлаштириш, контроллигини район халқ маорифи бўлимлари ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Мактаб ислоҳотининг мақсади инсонпарварлик эканлиги унинг ҳар бир сатридан кўриниб турибди. У, сўзсиз, маорифимизни янада юксак чўққиларга кўтаради, ҳар томонлама уйғун ривожланган, коммунистик жамият қуриш ишида фаол иштирок этувчи ёшларни тарбиялашда муҳим босқич бўлади.

Д. СУЛАЙМОНБЕКОВ,
Сирдарё область халқ маорифи бўлими мудири.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● ХАРЬКОВ

«Иқтисодий эксперимент шароитида ишлаётган «Укрэлектромаш» бирлашмасининг коллективи ўз маҳсулотига бўлган буюртмаларнинг ҳаммасини йил бошидан буён тўла-тўкис ва ўз муддатида бажармоқда. Кўпгина иқтисодий восталардан моҳирлик билан фойдаланиш, бошқаришнинг автомат системасини жорий этиш ана шундай натижаларга эришишга ёрдам берди. Компьютерлар ёрдамида корхоналардаги цехлар ва бўлимларнинг куч-қайратини мувофиқлаштириб турувчи ягона календарь планграфик ишлаб чиқилди ва унга қатъий риоя қилинмоқда.

● ЛЕНИНГРАД

Сўнгги қўнғироқ Волков районидаги «Заречье» совхозидаги мактабнинг кўпчилик ўқувчилари учун янги чорак-меҳнат чораги бошланганлигидан дарак берди. Хўжаликнинг бош инженери, қишлоқ Советининг депутати А. Рулько ана шу меҳнат чорагига раҳбарлик қилади. Прусиногорс қишлоқ Советининг бошқа депутатларини ҳам ўқувчилар билан бирга далаларда ва фермаларда тез-тез кўриш мумкин. Қишлоқ Совети ёшларининг қишлоқда ишлашига, уларнинг касб-кор ўрганишига катта эътибор бермоқда.

● УРАЛЬСК

Ер тагидаги кўллардан сув «Степной» колхози меҳнатчиларининг хонадонларига етиб келди. Гидрогеологлар, лойиҳачилар ва «Уральсководопроводстрой» трести бўлимларининг бахамжиҳат бўлиб ишлаши Зеленовск ва Каменск районларидаги хўжаликларни сув билан таъминлашнинг янги системасини белгиланган муддатидан бир неча ой илгари ишга тушириш имконини берди. Ер ости кўлларидан фойдаланиш даштли Урал бўйидаги қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда беш йиллик бошидан буён чучук сувнинг ўнлаб ҳазиналари очилди.

● ЖИТОМИР

Житомир областидаги Андреёвка посёлкасида ёшлар звенолари тузилди. Маҳаллий мактаб директори А. Коберник ана шу звеноларни ташкил қилиш ташаббускори бўлди. Қишлоқ касбларини эгаллаган ўқувчиларга шу ердаги колхознинг хўжалик бўлимлари оталиқ қилмоқда. Ўқувчилар бузоқлар, сигирлар подасини боқмоқдалар. Улар катта ёшдаги кишилар билан бирга ликда фермаларни ремонт қилмоқдалар, маккажўхори ва энгир экинларини етиштирмоқдалар. Ҳозир колхозда маҳаллий ўн йиллик мактабни битириб чиққан йигит ва қизлардан тузилган ҳамда хўжалик ҳисобида бўлган бир неча звено ва отряд ишлаб турибди. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

● ДОН

БИРИНЧИ КАРВОН

Комсомолобод районидаги «Оқ олтин» совхозининг деҳқонлари янги дон ҳосили биринчи карвонини тайёрлов пунктига юбордилар. Бу ерда Абдусалом Нажмиддинов бошчилигидаги ғаллачилик бригадаси аъзолари мўл ҳосил етиштирдилар. Қумтепалар ёнида жойлашган даланинг ҳар бир гектари 40 центнер юқори сифатли дон бермоқда. Бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зиммасига олган социалистик мажбуриятида шунча маҳсулот етиштириш кўзда тутилган.

Арпа, буғдой юксак суръатлар билан ўриб олинмоқда. Ўрим-йиғимни беш иш кунида тугатишга ва дон нобуд бўлишига йўл қўймасликка қарор қилинди.

● БЕДА

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Қашқадарё область Ғузор райони далаларида беда ҳосили мўл бўлди. Бу ерда биринчи ўрим тугади. Ҳар гектар ер пичанга айлантириб ҳисобланганда 50 центнердан — пландагидан анча кўп ем-хашак берди.

Деҳқонлар бирор кунни ҳам зое кетказмай, дарров бедапояни суғоришга, уни озиқлантиришга киришдилар.

Район илғор хўжаликларининг бедапояларига мавсум бошидан бери иккинчи марта ўрим агрегатлари киритилди.

Район деҳқонлари мавсум давомида бедани камида 6 марта ўриб, ўртача ҳосилдорликни гектар бошига 200 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар. Бу эса фермаларни кўк ем-хашак билан етарлича таъминлашга, шунингдек қишга пичан, сенаж, витаминли ўт талқони ғамлаб қўйишга имкон беради. (ЎзТАГ).

● АСАЛ

ТУҲФА

Ўзбекистонда энг кўп асал етиштирадиган Хоразм областининг асаларичилик совхозларидан асал тўлдирилган флягалар «Узпчелопром» бирлашмасининг омборларига келтирилди. Амударё тўқайларида ва Қорақумнинг чўл зонасида ўсадиган янтоқ ва ширинмиядан хушбўй ва шифобахш асал олинди. Бу йил давлатга 300 тонна Хоразм асали топширилади.

Сурхондарё областининг «Бойсун» ва Қашқадарё областининг «Деҳқонобод» асаларичилик совхозлари ҳам асал топширишга киришдилар.

● ОЗУҚА

ТЎЙИМЛИ ВА ШИРАЛИ

Пахтачи районида перко, рапс, тритикаледан силос тайёрлашга киришилди. Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимларининг тавсияларига мувофиқ, бу ерда консерва сифатида жониворлар учун зарарсиз бўлган чумоли кислотасини қўшландилар.

Илгари бу экинлардан силос тайёрлаб бўлмас эди. Олимларнинг ечимлари ширали озуқа тайёрлашни кўпайтириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш имконини беради.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Бир группа ўқитувчилар томонидан ёзилган хатда Янгийўл районидаги 33-мактаб директори Ў. Жапоқовнинг ўз мансабини суиистеъмол қилаётгани баён этилганди. Жумладан, у баъзи ўқитувчиларга умумий тартибга хилоф равишда ҳафтасига 76 соатгача дарс берилишига йўл қўйган.

Хат текшириш ва чора кўриш учун Тошкент область халқ маорифи бўлимига юборилган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, хатда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланган ва Ў. Жапоқов ўз вазифасидан четлаштирилган.

* * *

Газетхон И. Жўраеванинг редакцияга йўллаган хатида республикада мош етиштиришни кўпайтириш масаласи кўтарилган эди.

Ушбу мактуб Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига юборилганди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

Хатда ҳақиқатан ҳам муҳим масала кўтарилган. Ўтган йили республика колхоз ва совхозларида 472 гектар майдонга мош экилиб, 221 тонна ҳосил олинди. Бу йил эса мош экиладиган майдонлар 879 гектаргача етказилди. Ундан 949 тонна маҳсулот олиш кўзда тутилмоқда. Бу аҳоли талабини қондира олмайди, албатта. Шунинг учун ҳам министрлик келгуси йилларда мош экиладиган майдонларни янада кўлайтиришни планлаштирмоқда.

ОИЛАВИЙ ЗВЕНОНИНГ ЮТУҒИ

БУХОРО ОБЛАСТИ. Когон районидаги «Коммунизм» колхозидан Муфаррақ Мухторова бошлиқ оилавий звено давлатга 1200 килограмм юқори сифатли пилла топширди. Бу — хўжаликда энг юқори кўрсаткичдир. Илғор коллектив 15 йилдан буён пиллачилик билан шуғулланиб келмоқда. Звенони бошқариб келаётган Муфаррақ Мухторова Қаҳрамон она ва ўқитувчи бўлиб ишлашига қарамай пиллачилик билан шуғулланишга ҳам вақт топаётир. Звено аъзолари ўтган йилдагидек бу йил ҳам 10 қути қурт уруғидан энг юқори ҳосил кўтаришга эришди. Илғор звенодан ўрнак олган бошқа коллективлар ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Хўжалик пилакорлари бу йил давлатга 30 тонна «кумуш тола» топиришга аҳд қилган. Бунда Муфаррақ Мухторова бошлиқ звенонинг ҳам ҳиссаси катта бўлади.

Суратда: Муфаррақ Мухторова (ўртада) звено аъзолари Зулфия ва Раймалар билан бирга ҳосил сифатини текширмоқдалар.

А. Мирзажонов фотоси (ЎзТАГ).

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

СУТ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАМАЕТГАН РАЙОНЛАР АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишда чорва маҳсулотларини, кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чорва моллар туёқ сонини ошириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, умуман эса чорвачиликни саноат негизига кўчиришнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига жадаллик билан ўтказиш, колхоз ва совхозларда вужудга келтирилган қувватлардан олинадиган самарани анча ошириш —белгиланган маррага эришишнинг бош йўлидир».

Ана шу йўлдан дадил олга бораётган Нишон ва Муборак районларининг чорвадорлари 1984 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган сут тайёрлаш планларини ортиғи билан бажардилар. Қамаши районидаги Карл Маркс номли, Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхозлар, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ва бошқа қатор илғор хўжаликларда ҳар бош соғин сигирдан олинаётган сут йилига 3,5—4 минг килограммни ташкил этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу хўжаликларда озуқа базаси мустаҳкамланган. Суғориладиган майдонларга оралиқ экинлар экиш, ҳосилдорлигини кўтариш, айниқса хашаки лавлаги етиштиришни кўпайтириш яхши йўлга қўйилган. Сут соғувчилар орасида социалистик мусобақани кучайтиришга жиддий эътибор берилади, унинг ошкоралиги таъминланади. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, агросаноат бирлашмалари раҳбарлари чорвадор кадрларнинг маҳсулотлар тайёрлаш тақдири учун масъулиятини ошираётир.

Қашқадарё область партия комитети илғорларнинг тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш, сут етиштиришдаги қолоқликни тугатиш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш, белгиланган майдонларга озуқабол экинлар экиш йўли билан ҳосилдорликни оширишга қаратилган оператив чоралар кўраётир. Бу борада хўжаликларнинг раҳбарлари, биринчи галда мутахассисларнинг ташкилотчилик роли бутун чоралар билан кучайтирилмоқда. Чорва комплекслари ва фермаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ташаббускорликни кенгайтириш, қолоқларсиз ишлаш чоралари кўрилмоқда.

Шунга қарамай зудлик билан бартараф этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар кун тартибида кўндаланг бўлиб турибди. Шулардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз. Айрим районларда сигирларнинг маҳсулдорлиги пастлигича қолаётир. Оқибатда ҳозирга қадар ярим йиллик сут тайёрлаш топшириғи Чироқчи, Баҳористон районларида ўлда-жўлда қолиб кетди. Ғузор, Қамаши районларида ҳам кутилганча натижага эришилмади.

Шаҳрисабз районидаги «Правда», Чироқчи районидаги Ленин номли, Косон районидаги «Шарқ юлдузи», Қарши районидаги «Коммунизм» колхозларининг суттовар фермалари ходимлари давлатдан анчагина маҳсулот қаридор бўлиб қолдилар. Ульянов районидаги «Партия XX1У съезди» совхозида ҳар бош говмуш сигирдан кунига атиги 6,2 килограммдан сут соғиб олинаётгани кечирилмас ҳолдир. Бундай мисолларни бошқа хўжаликлардан ҳам келтириш мумкин. Аслини олганда содир бўлган камчиликларни санаб ўтишдан фойда йўқ. Бутун куч, техника воситалари, ички ресурсларни сафарбар этиб уни тугатиш, қайта пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари буни ҳамиша ёдда тутмоқлари лозим.

Юз берган қолоқликнинг сабаби нимада? Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари табиий ўтлар етишмаслигини рўкач қилмоқдалар. Илғор хўжаликлар ҳар қандай шароитда ҳам озуқа жамғариш топшириқларини бажаряптиларку! Табиий ўтлар кам бўлса, суғориладиган майдонларда озуқабол экинлар парваришини кучайтириш йўли билан ҳосилдорликни ошириш, етишмаган озуқани шу ҳисобга тўлдириш мумкин-ку! Хулоса шуки, турли важ-карсонлар излашга кетадиган вақтни озуқани кўпайтиришга сарфлаш маъқул! Пахта-беда алмашлаб экишнинг кенг жорий этилиши муаммони ҳал қилишнинг бош мезонидир!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчимиз. Сут тайёрлаш планларини бажармаётган районларда қорамолчилик суст ривожланти риляпти. Сунъий урчитиш пунктлари кўнгилдагидек ишлатилмаяпти. Подаларда сигирлар сони кам. Зотдор ғунажинлар етиштириш ўлда-жўлда бўлиб қолаётир. Область партия ва совет ташкилотлари, агросаноат бирлашмалари урғочи чорва моллар сонини кескин кўпайтиришга қаратилган улкан тадбирлар белгилади. Эндиги вазифа ана шу тадбирларнинг ижроси учун изчиллик билан кураш олиб боришдан иборатдир. Талабчанлик нечоғли кучайтирилса, пировард натижа шунчалик қувончли бўлишини кўп йиллик тажриба тўла исботлади.

Сўз бериб — устидан чиқиш, ваъда бериб бажариш чорвадорларда ўз касбига бўлган эътиқодни билдиради. Сўз беришдан ёки ваъда қилишдан олдин ички имкониятлар ва резерварни тўла ҳисоблаб чиқиш, режани шунга қараб олиш лозим. Бажарилмаган план ёки мажбурият инсонни бебурд, ўз касбига садоқатсиз қилиб қўяди. Айрим раҳбар ўртоқлар буни била туриб, таваккалига мажбуриятлар қабул қиладилар. Лекин ўша мажбуриятлар нормал ва резервлар билан солиштирилмаганлиги учун бажарилмайди. Сўзнинг устидан чиқиш ниқоби остида сохтакорликка йўл қўйилади. Ўтган йили сут тайёрлаш ва давлатга сотишда Шаҳрисабз, Яккабоғ районларида шундай кўнгилсиз ҳоллар юз берди. Афсуски, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида нуқсонлар яна такрорланди, топшириқлар бажарилмади. Агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари хўжаликларда юз бераётган ташвишли аҳволнинг олдини олиш чораларини кўрмади.

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулодорликни оширишда оралиқ экинларнинг роли ва аҳамияти ҳақида кўп гапирилаётир. Лекин амалий ишга келганда оқсаб қолинмоқда. Шаҳрисабз районида планда белгиланган 2500 гектар ўрнига атиги 517 гектар майдонга оралиқ экинлар экилганини қандай баҳолаш керак? Бошқа қатор районларда ҳам ана шундай салбий фактлар учрамоқда. Лекин район агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари ачинарли аҳволни била туриб, ўзларини билмаганга олиб юрибдилар. Ғанимат фурсат эса ўтиб кетяпти.

Сут-товар фермаларини комплекс механизациялаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпчилик районларда ҳали фермалардаги ишларнинг 50 фоизи ҳам машиналар, механизм-агрегатлар зиммасига ортилмаган.

Юқорида номлари тилга олинган районларнинг агросаноат бирлашмалари раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, сут тайёрлаш ва давлатга сотишни кўпайтириш, ўтган йилги доғни ювишга қаратилган тадбирлар белгилаб, изчиллик билан амалга оширадилар, деган умиддамиз.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнам химия саноатининг энг катта корхонаси — Ламтхао суперфосфат заводининг иккинчи навбати белгиланган муддатидан ярим йил илгари фойдаланишга топширилди.

Ламтхаодаги завод Совет—Вьетнам иқтисодий ҳамкорлигининг тўнғич корхоналаридан бири бўлиб, йигирма йилдан кўп вақтдан бери ишлаб турибди. Корхона коллективи мана шу йиллар давомида ўғит ишлаб чиқариш юзасидан план топшириқларини мунтазам ошириб бажаряпти. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси вақтида Америка авиацияси мамлакатни шиддатли бомбардимон қилган кунларда ҳам завод аниқ маромда ишлаб турган эди. Заводнинг иккинчи навбати халқ хўжалиги учун ғоят муҳим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш ва уни йилига 300 минг тоннаг етказиш имконини берди.

● КУН ҒАРТИБИДА ҚИШЛОҚ ПРОБЛЕМАЛАРИ

СОФИЯ. Болгариянинг Ловеч шаҳрида қишлоқ ва унинг аҳолиси социологияси масаласи билан шуғулланувчи ишчи группанинг тўртинчи мажлиси очилди. Ишчи группа Европа социалистик мамлакатлари фанлар академиясининг «Социалистик жамиятда социал структуралар эволюцияси» проблемалари комиссияси ҳузурида ташкил этилган. Мажлисда БХР, ВХР, ГДР, ПХР, СССР ва ЧССРнинг социолог олимлари иштирок этмоқдалар.

Мажлис қатнашчилари бир қанча назарий проблемаларни муҳокама қиладилар ва «Социал синфий структурани ташкил этишда ҳамда қишлоқ ҳаётида умумий ва ўзига хос хусусиятлар» деган асосий мавзуга оид ахборотлар берадилар. Социалистик мамлакатларда қишлоқ ва унинг аҳолиси ҳаётини социологик тадқиқотларни таққослаш юзасидан лойиҳа ва норматив материаллар кўриб чиқилди. (ТАСС).

ВЕНГЕР ТИЛИДА

БУДАПЕШТ, 8 июнь. (ТАСС). «Кошут» сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко нутқлари тўпламини венгер тилида босиб чиқарди. Тўплам «КПСС XXVI съезди кўрсатган йўлдан» деб аталган.

Тўплам К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишларининг актуал масалалари» мавзуида қилган доклади, 1984 йил 2 март куни сайловчилар билан учрашувда сўзлаган нутқини, 1984 йил 26 мартда агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашидаги нутқини, 1984 йил 9 апрелда «Правда» газетаси саволларига жавобларини, КПСС Марказий Комитетининг янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрловчи комиссиянинг 1984 йил 25 апрелдаги мажлисида сўзлаган нутқини ва бошқа материалларни ўз ичига олган.

АРАБЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

ДАМАШҚ. Сурия президенти Ҳ. Асад АҚШ ва Исроил ҳукмрон доираларининг Яқин Шарқда яна уруш чиқариш йўлидаги уринишларини қатъий қоралади. Бу ерга келган Португалия Коммунистик партияси нинг Бош секретари А. Кунъял билан учрашув вақтида у Сурия Америка империализми билан Тель-Авивнинг фитналарига қаршилик кўрсатиб, арабларнинг миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилаверади, деди.

А. Кунъял Португалия меҳнаткашлари Сурия ва бошқа араб мамлакатларининг агрессияга қарши олиб бораётган адолатли кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилди.

Учрашув чоғида, деб хабар қилади САНА агентлиги, томонлар халқаро аҳволни, Яқин Шарқдаги вазиятни, Португалия Компартияси билан Сурия Араб Социалистик Уйғониш партияси ўртасидаги партияларо алоқаларга доир масалаларни муҳокама этдилар. (ТАСС).

Э. БЕРЛИНГУЭРНИНГ БЕТОБЛИГИ

РИМ, 8 июнь. (ТАСС). Бу ерда Италия Коммунистик партияси Бош секретари Э. Берлингуэрнинг бетоблиги тўғрисида расмий медицина бюллетени эълон қилинди. Бюллетенда уқтирилишича, ўртоқ Берлингуэрнинг миясига кенг қўламда қон қуйилиши сабабли у нейрохирургик операция қилинган.

7 июнь куни кечқурун Падуя шаҳрида ўтказилган митингда нутк сўзлаб турган пайтда мияга қон қуйилганлиги хабар қилинади.

ИХТИЛОФЛАР ИСКАНЖАСИДА

ЕТТИ КАТТА КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТ КЕНГАШИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Бу ерда энг катта етти капиталистик мамлакат—АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР, Италия, Канада ва Япония раҳбарларининг кенгаши очилиши муносабати билан «Таймс» газетаси мақола эълон қилиб, унда қуйидагиларни таъкидлайди: халқаро савдо-сотиқда ҳамон жиддий ихтилофлар мавжуд бўлиб қолмоқда. Қўшма Штатлар билан Япония ўртасида шундай бир жанжал авж олиб кетдики, у пировард натижада олий даражада Лондонда ўтказилиган кенгашнинг кун тартиби билан боғланган бўлиб, қаттиқ муҳолифлик тусини олди.

Вашингтон Токиода ўз бозорларини очиб қўйишни талаб этаётганига жавобан Япония импорт соҳасида бир қанча чора-тадбирларни таклиф этди. Бу чора-тадбирларда ғоят кўп миқдорда арзимас тариф кисқартишлари кўзда тутилган эди. Бу америкаликларга ёқмади ва улар қўлларига дуч келган ҳар қандай иқтисодий воситалардан фойдаланиб жавоб зарбалари ура бошладилар. Бу гал АҚШ наф кўриб қолди.

Бу орада Европа, деб уқтиради газета, ҳамма жабҳаларда мағлубиятга учраётганлиги кўринмоқда. Гарчи Ғарбий Европа ҳукуматлари (айниқса Англия ҳукумати) Япониянинг молиявий бозорлари очиб қўйилишини талаб қилаётган бўлсалар-да, савдо-сотиқ имкониятларининг кўп қисми Америка банкларига тегиши равшан. Шундай бўлса-да, Европа эндиликда Қўшма Штатларга қараганда каттароқ бозордир, бинобарин у Япония билан ҳеч бўлмаганда тенг куч позициясида туриб музокаралар олиб боришга қодир бўлиши керак. Аммо шу пайтгача «Умумий бозор»да парокандалик ҳукм сурмоқда, деган таассурот вужудга келмоқда.

ВАШИНГТОН. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, «Еттилар»нинг Вильямсбергда (АҚШ) ўтказилган кенгашидан кейин бир йилдан сўнг жаҳон экономикасидаги аҳвол етти индустриал мамлакат раҳбарлари тахмин қилганларидан кўра анча ташвишли бўлиб қолди: савдо-сотиқда ҳар ким ўз манфаатини кўзламоқда, ишсизлик ҳамон кучаймоқда, долларнинг оширилган курси Ғарб мамлакатларини беҳаловат қилмоқда. Яқинда олий даражада ўтказилган бошқа кенгашларда бўлгани каби Лондонда ҳам, деб уқтиради газета, уларнинг қатнашчилари ўзлари ишлаб чиққан битимлар келгусида амалга оширилмай колишига дуч келадилар.

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри, қўшилмаслик ҳаракатининг раиси Индира Ганди еттита энг катта мамлакатнинг Лондондаги кенгаши молиявий-иқтисодий муносабатларнинг камситувчилик системаси натижасида ривожланаётган мамлакатлар бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликларни бирон бир тарзда ҳал этишга кўмаклашиши амри маҳол эканлигини билдирди. И. Гандининг маҳсус вакили Л. К. Жханинг яқинда Ғарбдаги 6 етакчи мамлакат пойтахтларига қилган сафарининг унча кўнгилдагидек бўлмаган якунлари ана шундан далолат беради. И. Ганди Ҳиндистон журналистлари билан суҳбатда шуларни айтди.

ПАРИЖ. (ТАСС). Бу ерда Франция президенти Ф. Миттеран билан Франция Компартиясининг Бош секретари Ж. Марше учрашдилар. Учрашув чоғида, жумладан, еттита энг йирик капиталистик мамлакат давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг Лондондаги кенгаши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувдан кейин Ж. Марше ана шу кенгашда бирон-бир конкрет натижаларга эришиш мумкинлигига ишонишим қийин, деб таъкидлади. Аввалги шундай учрашувлар чоғида ҳар хил қарорлар қабул қилинган эди. Аммо улар бажарилмай қолиб кетаверди.

РЕЙГАННИНГ ЕВРОПАГА САФАРИ

АҚШ президенти Рейганнинг Европа қитъасига визити давомида кучайиб кетган намойишлар Вашингтоннинг халқаро майдондаги авантюрачиликдан иборат йўлига қарши қатъий норозилик тусини олди.

Рейган ўзининг Европага сафарини Ирландиядан бошлади. У ерда Рейганнинг келишига қарши норозиликлар умуммиллий намойишига айланиб кетди. 15 мингдан кўпроқ киши Дублин кўчаларига чиқди. «Рейган — инсониятга жаҳон миқёсидаги ядровий фалокат хавфини солаётган планетадаги бирдан-бир давлат бошлиғидир», — деди митингда сўзга чиқиб Ирландиянинг таниқли олими ва жамоат арбоби, профессор Жон Мэрфи. Америка президентининг сафаридан норозилик ҳатто Дублиннинг расмий доираларида ҳам намоён бўлди. Ирландия пойтахти муниципал кенгаши аъзоларининг ярмидан кўпи Вашингтон ташқи сиёсатига қарши норозилик белгиси сифатида Рейганни тантанали кутиб олиш маросимида қатнашишдан воз кечди. Парламентнинг уч депутати, илгари Ирландия парламент аъзоларидан йигирма киши Оқ уй бошлиғи визитига бойкот эълон қилинганлигига қўшилиб, Рейган нутқ сўзлаб турган пайтда мажлислар залидан чиқиб кетишди.

«Рейганнинг Ғарбий Европага сафари — рекламадан иборат жуда катта томоша бўлиб, уни кўрсатиш учун улкан пропаганда машинасидан фойдаланилмоқда», — деди Франция «ТФ-1» телевизион программасининг шарҳловчиси. АҚШ президентининг Франция шимолидаги Нормандияда ўтказилган тадбирларда иштирок этиши ҳам сайловолди реклама мақсадларини кўзлади. Нормандияда иккинчи фронт очилган кунинг 40 йиллиги нишонланди. Шуниси диққатга сазоворки, бу воқеани ёритган Америка оммавий ахборот воситаларининг бironта ҳам шарҳида фашистлар Германиясини тор-мор этишда Совет Иттифоқи ўйнаган роль ва иккинчи жаҳон урушининг тақдири совет—герман фронтида ҳал бўлганлиги факти қайд этиб ўтилмади.

Рейганнинг Ғарбий Европада бўлган ҳар бир куни Европа қитъасида Вашингтоннинг авантюрачиликдан иборат милитаристик сиёсатидан нафратланиш кучайиб бораётганлигининг тобора янги-янги фактларини келтирмоқда. Айни шу кунларда Мадридда Испания НАТО ҳарбий ташкилотининг аъзоси бўлмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Американинг ЮПИ ахборот агентлиги Испания ҳукуматининг бу қадамини «Қўшма Штатлар билан унинг иттифоқчиларига берилган зарба» деб атади.

Бундан аввал эса Нидерландия ҳукумати Вашингтоннинг тазйиқига қарамай, ҳозирги вақтда мамлакатда Американинг биринчи бўлиб зарба уришга мўлжалланган ракета-ядро қуроли—қанотли ракеталарини жойлаштирмасликка қарор берди, бу эса Рейган маъмуриятини ниҳоятда ғижиндирди.

«Голландиянинг қарори— Американинг ядровий ракеталарини жойлаштириш масаласи хусусида НАТО позициясидаги биринчи дарздир», — деб уқтиради Рейтер агентлиги. Ана шу дарз тобора кенгайишини кўрсатувчи белгилар бор. Чунончи, мазкур масалада ҳали ўзининг позициясини узилкесил белгилаб олмаган Бельгияда ҳозир Американинг биринчи зарба уришга мўлжалланган ядровий қуроли шу мамлакат территориясида жойлаштирилишидан воз кечиш ҳаракати, айниқса, актив равишда кенгайиб бормоқда.

Жаҳон халқлари, шу жумладан Ғарбий Европа мамлакатларидаги халқлар ҳам Вашингтон маъмуриятининг ғаламисликдан иборат милитаристик йўлига тобора қатъий зарба бермоқдалар.

О. ШИРОКОВ. (ТАСС).

Тель-Авив террорчилари босиб олинган араб ерларида аҳолининг ўсиб бораётган қаршилигини бостириш учун ҳамма воситалардан фойдаланмоқдалар. Исроил маъмурларининг бу ерларда ўтказаётган бебошликларига қарши чиққан ҳар қандай киши аёвсиз жабрланмоқда. Суратда: Исроил ҳарбийларининг Наблус шаҳри кўчаларидаги соқчилик отрядлари акс эттирилган.

Камера пресс—ТАСС фотоси.

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИГА ҚАРАМЛИК

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

Лиссабондан олинган хабарларга кўра, ҳозирги Португалия ҳукумати ўтказаётган молиявий-иқтисодий сиёсат мамлакатни тобора чет эл капиталига қарам қилиб қўймоқда. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларда фақат сўнгги йил мобайнида Португалия экономикасининг турли соҳаларига 65 процентдан ҳам кўпроқ чет эл маблағлари жалб этилганлиги таъкидланади. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўп.

Демократик маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, ҳукумат ўтказаётган бундай сиёсат кўпчилик майда ва ўрта корхона эгаларининг синишларига сабаб бўлмоқда. Улар чет эл капитали билан рақобатга бардош беролмай ишлаб чиқаришни тугатишга мажбур бўлаётирлар. Айниқса 1974 йил апрель революцияси эришган асосий ютуқлар экономиканинг национализация қилинган секторини хавф остида қолдирмоқда.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР» СИЁСАТИ — МЕҲНАТКАШНИНГ ШЎРИ

Мисрда кейинги ўн йил мобайнида ўтказиб келинаётган «очиқ эшиклар» сиёсати мамлакатда социал тенгсизликни янада авж олдириб юборди. Айниқса камбағаллар ва бойлар ўртасидаги тафовутни ғоятда кучайтирди. Бу ҳақда «Ал-Ахрор» газетасида эълон қилинган социал тадқиқотлар миллий марказ докладининг маълумотларида яққол кўрсатилади. Масалан, сармоядор мисрликларнинг 10 процентдан камроғи миллий даромаднинг 44,5 процентини тасарруф этмоқда. Мамлакат даромадининг тўртдан бир қисми беш процент бойлар ихтиёрида тўғри келади. Кўпчилик оддий фуқаро эса ғоятда ночор аҳволда кун кечирмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, деярли 40 процент аҳоли яшаш учун доимий маблағга эга эмас. Айниқса қишлоқлардаги ночор аҳвол жамоатчиликни ташвишга солаётир. Қишлоқларда аҳолининг ярмидан кўпроғи жуда қашшоқ ҳаёт кечирмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ШЕЪРИЯТ ҚУЁШИ

Ўзбек таржима санъати тарихи узоқ асрларга бориб туташади. Пушкин асарларини таржима қилиш жараёнида ҳам бу санъатнинг мумтоз намуналари юзага келди. Бу борада адабиётимизнинг йирик намояндаси Ойбекнинг хизматлари салмоқлидир. У шу хайрли ишнинг ташкилотчиларидан бўлибгина қолмай, балки Пушкиннинг йирик асари «Евгений Онегин» шеърий романини она тилимизга жозибали тарзда ўгирди.

Пушкин мазкур асарида ўша даврдаги рус ҳаётини ҳаққоний тасвирлар экан, шу даврга ўз муносабатини билдиради:

У ерларда мен ҳам
кезгандим бурун:
Лекин зararлидир шимол
мен учун.

Ойбекнинг шу таржима мисраларида ҳам Пушкиннинг Петербургдан жанубга сургун қилинганлигини англаш мумкин.

Онегин аъёнлар доирасига мансуб бўлса ҳам кибор эмас, балки у, Белинский таъбири билан айтганда, «совуқ ҳам, қуруқ ҳам, бағритош ҳам бўлмаган» ва айни чоқда оддий кишилардай бўлиб, қалби поэзия дарди билан тўлиб-тошган.

У ҳаётнинг разолатларидан бўғилади, такаббур, ёлғончи, мансабдор шахсларнинг қилиқларидан, хатти-ҳаракатларидан жирканади. Амалдорларнинг турган-битгани ёлғончилик, ҳис-туйғулардан маҳрум эканлиги ва уларнинг қатъий тушунчалари, фақат мансабни орзу қилишдан иборатлиги Ойбек таржимасида ўз ифодасини топган.

Ойбек Пушкин ижодини таҳлил қилар экан, ундан санъат сирларини ўрганди ва бу кейинги ижодида яхши самара берди.

Пушкин эди менга лутфан
Мангу порлоқ фикр ила
Шеърнинг эзгу оташига
Куч ва илҳом бағишлаган...

— деб ёзган шоирнинг «Чимён дафтари» туркум шеърларида пушкинона маҳорат жилолари кўзга ташланади. «Оқшом юлдузи» шеърида шундай сатрлар бор:

Чўққилар орқасидан,
Оқшом юлдузи, секин
Чиқиб, кўк ойнасидан
Сузасан гўзал, ёркин.

Бизнингча, бу Пушкин орзу қилган эркин, бахтли ҳаёт — юлдуз ва унинг гўзал, ёркин сузиши, шунингдек, Онегин яшаган жамиятнинг, ижтимоий турмушнинг бутунлай аксидир.

Биз зикр қилган туркумга кирган шеърлар ҳам шундай яхши кайфият, эзгу-ниятлар билан ёзилган бўлиб, улар реал ҳаётнинг кўзгусидир.

Атоқли совет адиби Ойбек Пушкин ижодига беқиёс эҳтиром билан қараган ва шунинг учун бўлса керак, улуғ шоир номи ҳам унинг асарларигача сингиб кетган.

Қўлтиқда Пастернак ё
Пушкин,
Ҳисларда учади дилгирлик...
...Пушкин ила ўтов ичи
Ярқиради бутун кеча.

Рус шеъриятининг қуёши бўлмиш Пушкинга бўлган муҳаббати туфайли Ойбек унга бағишлаб дилбар асарлар ҳам яратди. Ана шундай асарларидан бири шоир туғилиб ўсган муҳит, унинг руҳий кечинмалари, санъатининг юксаклиги, ҳис-туйғуларининг тиниқлиги, поэзиясининг софлиги ҳақида бўлиб, унда Пушкин шеърияти соф шалолага қиёсланади:

Оқ шуъла мавж урган
тоғлар бошидан
Гувиллаб отилган соф
бир шалола...

Ойбек кейинчалик улуғ шоир туғилган кунинг 150 йиллиги муносабати билан яна бир асар яратди ва Пушкинни шеър қуёши деб атади.

Шеър қуёши дерлар —
эмас беҳуда,
Сўзларн дилларни
қуёшлантирар...
...Бу қуйчини қуйлар
Улуғ Ватаннинг
Барча халқи севиб барча
тилларда.

Ойбек айтганидек, Пушкин мероси бепоён Ватанимизнинг барча тилларига таржима қилинган, у барча миллатлар томонидан ўз бойлиги каби ардоқланади.

С. ОЧИЛОВ,
филология фанлари кандидати.

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

А. С. ПУШКИН.

МЕН КЎРГАНМАН...

Мен кўрганман Осиёнинг сарҳадларини,
Эй, Кавказнинг олис юрти, қовжироқ ерлар.
Черкасларнинг йилқиларин аянч қўраси,
Подкумокнинг соҳилларн, оловли қирлар,
Эй, булутни калласига салла ўраган
Зўр чўққилар, яланг тошлар ўлкаси!
Нақадар бу фусункор дилрабо диёр!
Ўйнаб оқар унда қайноқ шифобахш сувлар.
Ёнбағрида ғир-ғир шамол, яшнаган баҳор,
Жамолига мафтун боқар тоғдан оқулар!
Минг хил дардга даво сув бу, ҳамма интилар,
Соҳилларда ранги сўлғин ўсмирлар нимжон.
Ҳасса тутган жангчилар-ку нақ шифо тилаб,
Қари-қартанг ёнбошлаган, эл дориламон.

ПОРТРЕТ

О, шимолнинг маъсумалари,
Ҳеч тўхтатиб бўлмас эҳтирос,
Ёниб турган, шўх қалби билан
Пайдо бўлса, кўзлари чарос

Бу нозанин, бор куч ишлатиб,
Ҳаммангиздан ўтади, гўзал,
Кометадай порлар, қолганлар —
Хира тортган юлдуздай тўзар.

Ўлмас МУҲИДДИН таржималари.

Тунислик меҳмонлар

Ўзбекистон ССРда Тунис республикасининг кунлари давом этмоқда. Тунислик меҳмонлар 9 июнь куни В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. Шу куни улар Тошкент шаҳар ижроия комитетида бўлдилар. Бу ерда бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонларга тошкентликларнинг бунёдкорлик меҳнати, шаҳарни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб берилди. Биродарлашган шаҳарлар — Тошкент билан Тунис ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Дўстлик кунлари қатнашчилари Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: Тунисдан келган бир гуруҳ меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишмоқда.

В. Молгачев фотоси.

АЖАБ САВДОЛАР

ҲУЖЖАТЛИ «ҚУЁН»ЛАР

«Ўзингиздан қолар гап йўқ, ака. Пул бўлгандан кейин сарф-харажат қилиб ўғил-қизга ҳар нарсани олиб боравераркансиз. Анчадан бери катта ўғлим «Жигули»га илҳақ бўлиб юрарди. Мана, куни кеча денг, «ноль олти»сидан олиб бердим. Буни кўриб куёвимнинг кўнгли ўксибди шекилли, «биз ҳам минамизми» деб қолди. Йўқ демадим. Энди, қизим қатори у ҳам фарзандим, қолаверса куёвнинг кўнгли нозик бўлади. Машинага гард юқтирмай калитини унга тутқаздим. Ўғлимга бошқасини олиб берарман. Бир ёқда участка ҳам битай деб қолди. Яқинда тўй қилиб ўғилни уйлантирмоқчиман».

Икки ҳамсуҳбатнинг бири — новчароғи паст бўйли ҳамроҳига ана шундай мақтаниб борарди. Шериги ҳам ҳавас билан бошини сараксарак қилиб, индамай эшитиб борар, гоҳ-гоҳ «отангизга раҳмат, анча ишбилармон одам экансиз» деб қўярди. Улар шу кўйи «Пахтакор» метро станциясига етиб келишганини пайқамай қолишди.

Икки оғайни олдинма-кейин ичкарига кириб келишди. Биринчиси кассадан пулини майдалаб келди. Новча эса савлат тўкиб метро хизматчилари ўтадиган йўлакка яқинлашди.

— Бу ердан ўтиш мумкинмас, — унинг йўлини тўсди навбатчи қиз. — Бу йўл фақат метрода бепул юришга рухсатномаси борлар учун.

— Менинг ҳам рухсатномам бор, — деб жавоб қайтарди новча ва яна ўтиб кетмоқчи бўлганди, навбатчи қўймади.

— Ҳужжатингизни кўрсатинг, бўлмаса милиция чақираман.

— Ҳой, мени милиция билан қўрқитма, — новчанинг бўйин томирлари бўртиб кетди. — Мана рухсатномам, — у қўйин чўнтагидан қизил муқовали гувоҳномани олиб кўрсатаркан, аллақачон кассага беш тийинликни ташлаб, тўсиқнинг нариги томонида ўзига қараб турган шеригига кўзи тушди-да, навбатчи қизга ўдғайлади. — Ҳали мен сенга кимлигимни кўрсатиб қўяман. Ҳа, кўрсатиб қўяман.

Аммо, навбатчи қиз ҳужжатга кўз югуртириб чиққач:

— Бу идорангизда ишлаётганлигингиз тўғрисида берилган ҳужжат, қани, буёққа юринг-чи, — деди ва навбатчи милиционер ўтирган хонага бошлади.

Боядан бери кеккайиб турган новча киши дами чиқиб кетган пуфакдай шалвираб тушди. Сўнг ҳеч қаёққа қарамай югурганича эшик томонга қочиб қолди.

Ҳурматли газетхон, гап нима ва кимлар ҳақида кетаётганлигини тушунгандирсиз. Одатда трамвай, троллейбус ва автобусларда билет олмай, уч-тўрт тийин тўлашга оғринадиган ҳозирги кишиларни «қуён»лар деб аташарди. Яқиндан бери шундай «қуён»лар метрода ҳам пайдо бўлиб қолишди.

Тошкентдек шаҳри азимда метронинг ишга тушганлигига ҳам етти йил бўлди. Шу кунгача метрополитен беш юз миллионга яқин йўловчига хизмат кўрсатди. Ер ости йўли очилгандан бери тошкентликларнинг узоғи яқин бўлиб, вақтлари тежаладиган бўлиб қолди. Янги турдаги транспорт хизматидан ҳозир ҳамма хурсанд. Аммо шундай кишилар ҳам борки, улар ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганлардек, метрода ҳам текинга юришнинг пайида бўлиб, ўзларини ҳар оҳангга соляптилар. Улар кейинги пайтларда «қуён» бўлишнинг янги-янги турларини ўйлаб топишди, яъни эшикдан киравершдагги танга ташланадиган тўсиқ ёнига келиб навбатчига ўзлари ишлаётган ташкилотлар томонидан берилган қизил муқовали гувоҳномани кўрсатиб ўтиб кетмоқчи, беш тийинга виждонларини сотмоқчи бўладилар. Ўтган йили метрода текинга юрмоқчи бўлган ҳужжатли «қуён»лардан 499 киши қўлга тушган эди. Бу йилнинг биринчи кварталида эса 104 киши ҳужжат кўрсатиб, пул тўламай ўтиб кетмоқчи бўлганида навбатчилар томонидан ушлаб қолинди. Мана ўша ҳужжатли «қуён»лардан баъзилари: меҳмонхоналар хўжалиги бошқармаси катта инженери Д. Каримова, шаҳарни ободонлаштириш бўйича комбинат рассоми Б. Пўлатов, ўқитувчи Р. Жумаев, Ўзбекистон шаҳарлар қурилиши илмий текшириш ва лойиҳалаш институти ишчиси А. Кузнецов, Тошкент трактор заводининг цех бошлиғи А. Маньков, Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой» масъул ходими Г. Ардаширов. Улар навбатчи олдидаги йўлакдан «биз шу ерда хизмат қиламиз, мана ҳужжатимиз» деб кўкрак кериб, виқор билан ўтиб кетмоқчи бўлганларида навбатчи уларнинг ҳужжатини ўқиб кўриб «беш тийин тўлаб қўйгандан кейингина ўтасиз» деганида шундай жанжал кўтаришдики, асти қўяверасиз. Охири, «мен ҳали сенга кўрсатиб қўяман» деб ўшқиргандари ҳам бўлди.

...Биз юқорида ўғлига участка, куёвига енгил автомашина олиб бериш учун пулини аямай сарфлаётган ҳотамтой отанинг арзимаган беш тийинга ҳасислик қилиб, метро кассасига пул тўламай ўтиб кетмоқчи бўлганги тўғрисида ҳикоя қилган эдик. Одамлар орасида давлат ҳисобига яшашга ўрганиб қолган мақтанчоғу аслида эса ўта зиқна, тийинни тишда тишлаб, шармандаликкача бориб етаётганлар ҳам борлигини кўриб ёқа ушлайсиз. Арзимаган беш тийин учун пасткашлик қилиб жамоат тартибини бузаётган «қуён»ларга сира йўл бермайлик.

Г. СОЛДАТКИНА,
Тошкент метроси ҳаракат хизмати катта инженери.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«СОЮЗПРОМГАЗ» БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ «ВНИИПРОМГАЗ»НИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

газ ёндириш агрегатларида иссиқлик алмашинувини оптималлаштириш, иссиқлик-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш комплекс тармоқ программаларини ишлаб чиқиш лабораторияларининг катта ва кичик илмий ходимлари.

Конкурсда илмий даражаси бўлган шахслар шунингдек ушбу соҳада иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар қатнашиши мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ариза ва тегишли ҳужжатлар қуйидаги адрес бўйича топширилиши лозим: 700143, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси. Телефонлар: 62-06-41, 62-43-55, 62-46-60.

●

ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

«ХАНДИЗА» ДАМ ОЛИШ УЙИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДАГИ КУРОРТ ИҚЛИМИГА ЭГА ЖОЙДА — СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИНИНГ САРИОСИЁ ШАҲРИДАН 70 КИЛОМЕТР МАСОФАДА, ХАНДИЗА ДАРЁСИ ВОДИЙСИДАГИ ПОМИР ТОҒ ОЛДИ ЗОНАСИДА 1800 МЕТР БАЛАНДЛИКДА ЖОЙЛАШГАН.

Водий атрофи шаршаралар-га бой тоғ массивларидан иборат, тоғ ён бағирларида арчазор ва ёнғоқзорлар мавжуд, иқлими континентал, ёз ойлари бир оз салқин, тоза, соф тоғ ҳавоси ва қуёш радиациясининг юксак интенсивлиги бу жойлар учун хосдир.

Дам олувчилар яхши жиҳозланган икки кишилик коттежларда жойлашадилар, оилалилар ва болали ота-оналарга хизмат кўрсатиш ташкил қилинган.

Касаба союзлари курортларини бошқариш бўйича республика советида путёвкаларни харид қилиш мумкин (12 кунлик путёвканинг баҳоси — 38—42 сўм атрофида).

Республика советининг адреси: Тошкент шаҳри, 165-алоқа бўлими, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй. Телефон 56-85-68.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гастроллари** (10/VI да 11, 15, 18.30 да).

●

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА 10 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА **СССР биринчилиги учун** «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Киев) командалари ўртасида.

ФУТБОЛ

«Пахтакор» стадионида олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ҮТМИШ САДОЛАРИ

ДАФИНА ҚУРОЛЛАР СИРИ

Мактаб ўқувчилари топган нарсалар орқали ўлкашуносларнинг Вологда ... **ва Александр Шишкин шаҳар марказида** ... **XVIII** ... **ер ости** ... **ўнлаб** ... **ер** ... **ер** ... **ер